

О'zbekiston Respublikasi
Xorazm viloyati
Boғot tumani
НОКИМИ
ҚАРОРИ



Ўзбекистон Республикаси
Хоразм вилояти
Боғот тумани
ҲОКИМИ
ҚАРОРИ

220200 Боғот шаҳарчаси Ўзбекистон кўчаси, 18 уй. Tel:31-52-807, faks:31-52-425

2020 йил «19» Март

№ 6011

Боғот шаҳарчаси

Нусха № 1

Фуқаро Мадраимов Кенжа
Мадаминичнинг турар жой биносига
бўлган эгалик ҳуқуқини белгилаб
бериш тўғрисида

Боғот тумани “Кулонқорабоғ” маҳалласида яшовчи фуқаро Мадраимов Кенжа Мадаминичнинг “Кулонқорабоғ” маҳалласида жойлашган турар жой биносига бўлган эгалик ҳуқуқини белгилаб беришни сўраб туман ҳокимлигига йўллаган 2020 йил 7 февралдаги ХО-М-401-сонли аризасини, “Кулонқорабоғ” маҳалла фуқаролар йиғини маълумотномасини ҳамда Хоразм вилояти ер тузиш ва кўчмас мулк кадастр давлат корхонаси Боғот туман филиалининг 2020 йил 3 февралдаги 456-сонли маълумотномасини кўриб чиқиб, Боғот районидаги Ўзбекистон жамоа хўжалиги вакилларининг 1997 йил 23 июлдаги 3-сонли йиғилиш баёнига, “Уй-жой кодекси”нинг 22, 23-моддаларига, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонуннинг 6, 10 ва 25-моддаларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 20-январдаги 18-сонли қарори билан тасдиқланган “Уйлар ва турар жойларни уй-жой фондига киритиш тартиби тўғрисида”ги Низомга асосланиб,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Боғот тумани “Кулонқорабоғ” маҳалласида жойлашган 5 (беш) та хонадан иборат, яшаш хоналари 2 (икки)та бўлиб, ички ўлчами 52,0 квадрат метр, ёрдамчи хоналар 3 (уч)та бўлиб, ички ўлчами 59,50 квадрат метр, жами хоналарнинг ички ўлчами 111,50 квадрат метр, қурилиш ости майдони 148,5 квадрат метр, умумий ер майдони 1300,0 квадрат метр ушбу турар жой биносига нисбатан фуқаро Мадраимов Кенжа Мадаминичга мулк ҳуқуқи асосида унга эгалик ҳуқуқи белгилаб берилсин.


2. Фуқаро Мадраимов Кенжа Мадаминичга ушбу турар жойи биносининг ер майдонидан бошқа мақсадларда фойдаланганда ҳамда келгусида янгидан қуриши ёки қайта реконструкция қилиши, қўшимча хоналар ёки бошқа бино ва иншоотлар қурилиши учун белгиланган тартибда тегишли ташкилотлар билан келишмаган ҳолда амалга оширишда Ўзбекистон

Республикаси “Ер кодекси”нинг 36, 38-моддаларига асосан ер участкасидан фойдаланиш ҳуқуқи тўхтатилиши тўғрисида огоҳлантирилсин.

3. Фуқаро Мадраимов Кенжа Мадаминовичга ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан ушбу турар жой биносини давлат рўйхатидан ўтказиш мажбурияти юклатилсин.

4. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари вазифасини бажарувчиси С.Хўжаниёзов зиммасига юклатилсин.

Боғот тумани ҳокими



О.Холбоев